

Ҳожати аслиядан ортиқча бўлган молдан закот олишга ва ундан камидан олмасликка далиллар | Фикҳ дарслари (290-дарс)



19:00 / 11 июль 680

Аллоҳ таоло Бақара сурасида:

الْعَفْوُ قُلُوبًا يُنْفِقُونَ مَاذَا وَتَسْأَلُونَكَ

«**Ва сендан нимани нафақа қилишни сўрарлар. Сен: «Ортиқчасини», деб айт**», деган (219-оят).

Яъни «Ўз ҳожатидан ортиқча молларини инфоқ қилсинлар». Ушбу ояти кариманинг тафсирида Ибн Аббос розияллоҳу анҳу: «Ўз аҳлингдан ортиб қолганини», деган эканлар.

لَاقَ : لَاقَ عَزِيْرُهُ يَبَا نَع
هُلَلَا يَلَّصَ هَلَلَا لُوسَرَ
عَقَدَّصَلَا أُمَّنَا « : مَلَّسَ وَهِيَ لَع
دَمَحًا هَاوَر . « يَنْغَرُهُ ظُنَع

Абу Хурайра розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам:

«Албатта, садақа (закот) бойлик устидан бўлур», дедилар».

Имом Аҳмад ривоят қилган.

هُلَلَا يَضَرَّ عَزِيْرُهُ يَبَا نَع
هُلَلَا لُوسَرَ لَاقَ : لَاقَ هُنَع
: مَلَّسَ وَهِيَ لَع هَلَلَا يَلَّصَ
أَي : لُجَرَ لَاقَ ف . « أَوْقَدَّصَت
رَانِي دِي دُنَع ، هَلَلَا لُوسَرَ
يَلَعِ هِبُ قَدَّصَت » : لَاقَ
رَخَّ أِي دُنَع : لَاقَ ، « كَسْفَن

يَلَعِ هِبٌ قَدْ صَتَ : لَاقِ
رُخَّ أَي دُنِعَ : لَاقِ ، «لَكِتَجُوزِ
يَلَعِ هِبٌ قَدْ صَتَ : لَاقِ
: لَاقِ ، رُخَّ أَي دُنِعَ : لَاقِ ، «لَكِدَلَوِ
، «لَكِمِدَاخِ يَلَعِ هِبٌ قَدْ صَتَ :
تَنَأُ» : لَاقِ ، رُخَّ أَي دُنِعَ : لَاقِ
دُوَادُ وَبَأُ هَاوَرِ . «رَصُبَاءُ
يَسْئَلُونَ لَأُو

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Садақа қилинглар», дедилар. Бир одам:

«Эй Аллоҳнинг Расули, менда динар бор?» деди.

«Ўзингга садақа қил», дедилар.

«Менда бошқаси ҳам бор», деди.

«Хотинингга садақа қил», дедилар.

«Менда яна бошқаси бор», деди.

«Болангга садақа қил», дедилар.

«Менда яна бошқаси бор», деди

«Уни ходимингга садақа қил», дедилар.

«Менда яна бошқаси бор», деди.

«Ўзинг биласан», дедилар».

Абу Довуд ва Насоий ривоят қилишган.

Бандалар тарафидан талаб қилинадиган қарздан ортиқ бўлиши.

Закот фарз бўлиши учун мол эгасининг нисобни камайтириб юборадиган даражада қарзи бўлмаслиги керак. Бир одамнинг қўлида нисобга етган моли бор. Шу билан бирга, бошқалардан қарзи ҳам бор. Агар қарзини берганидан кейин ҳам қолган моли нисоб миқдоридан бўлса, закот беради. Аммо қарзни берганда ўзига мол қолмайдиган ёки моли нисоб миқдоридан камайиб қоладиган бўлса, закот бериш вожиб бўлмайди. Чунки одамлардан қарзи бор одам бой ҳисобланмайди.

Бас, закот мукотабда, умид узилгандан бир неча кун ўтиб қўлига тушган молда, тан олинмаган ва ҳужжати бўлмаган ва мусодара қилиб олинган молда фарз бўлмайди.

Ушбу жумлада келган маънолар юқорида ўтган сатрларда зикр қилиб ўтилгани учун, такрорлаб ўтирмаймиз.

Ният.

Закотни адо қилиш тўғри бўлиши учун ҳам шартлар бор. Улардан бири «Мухтасари Виқоя»да қуйидагича ифода қилинган:

Закотни адо этиш ёки уни ажратиш вақтида ният қилиш шарт қилинди. Илло, молнинг ҳаммасини садақа қилиб юборса, бундан мустасно.

Закот тўғри бўлиб, закот ўрнига ўтиши учун энг муҳим шарт закот беришни ният қилишдир. Чунки Исломда ҳеч бир ибодат ниятсиз бўлмайди.

Мисол учун, рўза тутилса, ният қилиш керак. Токи тутган рўзаси фарз рўзами, назр рўзами ёки нафл рўзами, билиниши лозим.

Шунингдек, намознинг ҳам фарз, вожиб, суннат ёки нафл экани ниятдан ажратилади.

Садақа кўринишидаги молиявий ибодатнинг ҳам тури кўп. Закот деб ният қилмасдан молни шунчаки бировга берса, закот ўрнига ўтмайди.

لَا أَقْبَلُ بَطْخًا لِنَبِيٍّ رَمَعَنَ ع
لَوْ قَيَّرَهُ لَلْأَلْوَسَرُ تُعَمَّسُ
... تَأْيِيْنُ لِرَابٍ لَأَمْعَالِ أُمَّنِ إِيَّا
بِنَاخِيَّ شَلَا هَاوَر

Умар ибн Хаттоб розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламнинг «Амаллар фақат ниятларга кўради...» деганларини эшитдим».

Икки шайх ривоят қилишган.

Ҳанафий мазҳаби бўйича, закотни бераётганда ҳукман бўлса ҳам ниятни қўшиб қилиш керак. «Ҳукман бўлса ҳам», деганда, молни фақирга бериб қўйгач, у фақирнинг қўлида туриб, ҳали ишлатмаган бўлса, «Шу закотим», деб ният қилиб қўйса, жоиз. Ёки вакилга бераётиб ният қилса, вакил ният қилмаса ҳам зарари йўқ. Фақирга беришни ният қилиб, закотни ажратса-ю, у фақирнинг қўлига етиб бормасдан туриб йўқолса ёки ўғирланса, қайтадан закот беришга тўғри келади.

Қуйидаги шарт «Мухтасари Виқоя»да айтилмаган:

Мулк қилиб бериш.

Закот тўғри бўлиши учун ажратилган мол закот берувчи томонидан ҳақдорларга мулк қилиб берилиши керак. Фойдаланиб туришга ёки таомлантириш йўли билан берилган нарса закот бўлмайди. Яъни таомлантириб, «Шу закотим», дейиши жоиз эмас. Аммо таом сотиб олиб, закотни ният қилиб бериш жоиз.

Ҳанафий мазҳаби бўйича, мажнун ва ёш болага закот бериб бўлмайди.

Аллоҳ таоло Қуръони Каримда: «**Ва закот беринглар**», деган. Бу эса мулк қилиб бериш билан собит бўлади.

Яна Аллоҳ таоло: «**Албатта, садақалар фақирлар учундир**», деган. «Садақа» дегани «бировга бир нарсани мулк қилиб бериш», деганидир. «**Фақирлар учундир**», дегани ҳам араб тили қоидасида мулк маъносини билдиради. Ўша иборада «тамлик ломи», яъни «мулкни ифодаловчи лом» деб номланган «лом» ҳарфи ишлатилган.

Закотдаги санаб ўтилган шартлар орадаги шарҳлар билан бир-биридан анча узоқлашиб кетгани сабабли, эслаб қолишга осон бўлиши учун бир жойга жамлаб, рақамлар билан ёзиб қўйиш мақсадга мувофиқ бўларди.

«Кифоя» китобининг иккинчи жузи асосида тайёрланди

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 5 октябрдаги 03-07/7013-рақамли хулосаси асосида чоп этилган.